

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«ЯНГИОБОД» КТНЧК  
Харид комиссиясининг раиси

  
М.М. Қосимов  
«30» март 2022 йил

«ЯНГИОБОД» КТНЧК- га қаршли 90га ерга экилган ғаллани комбайнда ўриш хизмати  
учун талаб этиладиган  
**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**  
Когон тумани-2022 йил  
**МУНДАРИЖА**

- I Боб. Катнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Кўрсатиладиган хизматларга нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми

**ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА**

**A. Умумий маълумот**

Танлов предмети  
Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар  
Танлов комиссиясининг вазифалари  
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари  
Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари  
Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

**B. Танлов ҳужжатлари**

Танлов ҳужжатининг таркиби  
Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш  
Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

**B. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши**

Танловда қатнашиш харажатлари  
Танловда қўлланиладиган тил  
Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар  
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш  
Муқобил таклифлар  
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

**G. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши**

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш  
Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати  
Танлов таклифларининг очилиши

**D. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш  
Таклифларнинг мос келмаслиги

**E. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш  
Тўлов шартлари  
Шартномани имзолаш

## Танлов эълон қилинган товар хужжатлари

1.	Танлов эълон қилинган хизмат	“ЯНГИОБОД” КТНЧК га қарашли 90га ерга экилган гилгани комбайнда ўриш хизмати
2.	Буюртмачи (Заказчик)	“ЯНГИОБОД” КТНЧК
3.	Маблағ ажратиш манбаи	Ўз маблағлари ҳисобидан
4.	Танлов ўтказиладиган манзил	Бухоро вилоят, Когон тумани Янги Хаёт МФЙ Қизилгул қишлоғи
5.	Танлов тури	Очик
6.	Ахборот манбаи	“ЯНГИОБОД” КТНЧК нинг корпоратив сайтлари орқали ахбороти ( <a href="http://xarid.uzex.uz">xarid.uzex.uz</a> , <a href="http://etender.uzex.uz">etender.uzex.uz</a> )
7.	Офертада қўлланиладиган тил	Ўзбекча ва русча
8.	Валюта кўриниши	Миллий валюта – СЎМ
9.	Ўзаро ҳисоб-китобнинг тартиби	Шартнома ўз кучига эга бўлгандан сўнг 2022 йил давомида буюртмачи тўлов миқдорларини ижрочининг ҳисоб фактура (счет-фактура)сига, томонларнинг бажарилган ишлари далолатномасига, буюртмачининг буюртмасига асосан тўлов амалга оширилади.
10.	Танлов иштирокчиларига изох берилиш тартиби	<b>Тақдим этилиши керак бўладиган изохлар:</b> - Хат орқали талаб этилганда ёзма хат орқали жавоб хати юборилиши; - оғзаки муурожаат бўйича, телефон алоқаси бўйича, электрон почта орқали;- интервью оқали шахсий учрашув.
11.	Тижорат таклифи кўрсатилиш тартиби	Электрон тарзда
12.	Альтернатив таклифлар (такқослаш)	Қатнашиш ман этилади
13.	Кўрсатиладиган хизматлар тавсифи	
14.	Танлов қатнашиларига талаб	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Танлов қатнашчилари танлов талаб ва таклифларига риоя этишлари лозим.</li> <li>2. Танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши керак.</li> <li>3. Фуқаролиги бўлмаган иштирокчилар ўзларининг вакиллари орқали яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орқали қатнашишлари мумкин.</li> <li>4. Танлов иштирокчилари янги давр технологияси ортида, реконструкцияда, перепрофилированиеда, банкротга учрамасликлари керак.</li> <li>5. Танлов иштирокчилари давлат бюджетлари</li> </ol>



		<p>ҳамда бошқа ташкилотлардан қарзлари мутлақо бўлмаслиги керак. Танлов иштирокчилари хўжалик субъектларидан ўзларининг ишлаб чиқариш маҳсулотларининг 10% миқдоридан кам бўлган миқдорда қарзлари бўлмаслиги лозим.</p> <p>6. Танлов иштирокчилари ҳеч қандай давлат реестрларида яъни гаров реестрларида рўйхатда турмасликлари лозим.</p> <p>7. Танлов иштирокчилари мавжуд ва олдинги харидлар бўйича миждоз билан салбий тажриба ишларига эга бўлмасликлари керак.</p>
15.	Танлов асосида танлаб олинган хизмат нархи	<b>51 995 610(эллик бир миллион тўққиз юз тўқсон беш минг олти юз ўн) сўмдан юқори бўлган таклифлар кўриб чиқилмайди</b>
16.	Хизматларни тақдим этиш жойи	Бухоро вилоят, Когон шаҳрида еки Когон туманида жойлашган устахонаси еки филиаллари бўлиши лозим
17.	Хизматларни тақдим этиш муддати	Шартнома ўз кучига эга бўлгандан сўнг 10 кун муддатда
18.	Ишни қабул қилиш, хизмат	Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган қонунларга, кўрсатилган хизматлари бўйича ташкилотлар билан тузилган шартномага асосланиб қабул қилиш
19.	Тижорат таклифи берадиган ташкилот қўйидаги хужжатларни тақдим этиши шарт	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Давлат томонидан берилган ва тасдиқланган ташкилот гувоҳнома нусхаси;</li> <li>2. Танловда қатнашувчи товарларнинг қонунчиликда ишлаб чиқариш ва фаолият олиб бориш бўйича рухсатнома нусхаси;</li> <li>3. Хар бир тижорат таклифи бўйича ва хизмат турлари бўйича нарх кўрсаткичлари.</li> </ol> <p>Танловда иштирок этаётган товарнинг ишлаб чиқариш зарурати туфайли ташкилотдан қўшимча маълумот ва хужжатлар талаб этилиши мумкин.</p>
20.	Ўзига хос шартлар	<p>Лицензия асосида фаолият юритилиши лозим (агар иш фаолияти лицензия асосида бўлса).</p> <p>Буюртмачи танловда назарда тутилмаган хизмат бўйича қўшимча маълумотларни аниқлик киритиш учун олишга ҳақли.</p> <p>Буюртмачи танловда иштирок этувчиларга ўзининг ихтиёрига кўра ва қонун доирасида ахборот бериши лозим.</p> <p>Буюртмачи танлов иштирокчиларининг самарасига кўра шартнома тасдиқланишини ўз зиммасига олмайди.</p>

		<p>Танловнинг ўзига хос талаблари ва шартлари, шунингдек шартномалар ишлаб чиқариш зарурати туфайли ўзгариши мумкин.</p> <p>Ташкилот, шунингдек танлов ишчи гуруҳ комиссия аъзолари танлов таклифларига ва танлов талабларига жавоб бера олмаган иштирокчиларни бекор қилиши мумкин.</p> <p>Мурожаат, таклиф ва маълумотлар, танлов иштирокчилари тўғрисида маълумотлар, танлаб олинмаган товар тўғрисида маълумотларни танловнинг якунланиш муддатидан сўнг ишчи гуруҳ комиссияси кўриб чиқишни инкор қилиши мумкин.</p> <p>Танлов иштирокчилари талаб ва таклифига асосан ишчи гуруҳ комиссияси катнашувчилар томонидан берилган қўшимча маълумотларни янгилash ҳуқуқини олади. Дисквалификациялар бошқа иштирокчиларнинг таклифларини камситадиган иштирокчилар томонидан кўриб чиқилиши мумкин.</p>
--	--	---